

Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг VII-чақириқ 2-сессияси бўлиб ўтди

Сессия ишида туман Кенгashi депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринbosарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари туман Кенгашининг раиси Ш.Тожихакимов очди ва олиб борди. Халқ депутатлари Данғара туман Кенгashi доимий комиссиялар таркибини, иш юритиш бўйича йўриқномасини туман Кенгashi котибияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича Халқ депутатлари Данғара туман Кенгashi котибияти мудири Эргашев Икромжон Махмуджонович маълумот бериб ўтди.

Шунингдек туман молия бўлими мудири томонидан жамоатчилик фикри асосида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга қўшимча маблағлар ажратиш тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Туман Кенгashi депутати Хамралиева Зиёдахон Абдуфатоевна умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчилари учун яратилган тиббий хизмат ҳолатини ўрганиш маълумот бериб ўтди.

Сессия давомида кун тартибига киритилган бошқа масалалар кўриб чиқилиб, сессия якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2024-12-17 14:22:36